

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**834 Миллий кинематографияни янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг кино асарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди.

Айни вақтда бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожини учун янги имкониятлар яратишни талаб этмоқда.

Қайд этиш керакки, кинематография соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг мукамал эмаслиги, кино ишлаб чиқарадиган етакчи корхоналар, жумладан «Ўзбекфильм», «Қорақалпоқфильм» ҳамда «Илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар» киностудияларининг моддий-техник базаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскиргани, кинофильмларни молиялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, кинотеатрлар ва малакали кадрлар етишмаслиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Қорақалпоқкино» агентлиги ҳамда

вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари 4- ва 5-иловаларга мувофиқ;

«Республика кинофонди» давлат унитар корхонасининг тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилсин ва унинг тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бош директорига, зарур ҳолларда, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг қуйидаги прогноз кўрсаткичлари белгилансин:

2018 йилда- 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш;

2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда — 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб — 60 қисмдан иборат 30 та хужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш;

мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш;

ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намоиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш;

миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш.

3. Миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантиришнинг манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларнинг кинопрокатидан тушадиган маблағлар;

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларни намоиш этиш мобайнида жойлаштириладиган тижорат эълонларидан тушадиган маблағларнинг 10 (ўн) фоизига тенг миқдордаги мажбурий ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан кино ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан олинadиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежларнинг биноларидан фойдаланган ҳолда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар (кейинги ўринларда комплекслар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» Давлат унитар корхонаси 2018 йил 1 январгача «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг техник топшириғи ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида комплексларнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин, унинг майдонларида замонавий кинозалларни (2-қават), шунингдек, савдо-кўнгилочар объектларни (1-қават) жойлаштиришни назарда тутсин.

7. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

Кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошида атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган малака ошириш курсларини ва «Маҳорат мактаблари»ни ташкил этиш;

Мамлакатимизнинг ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорлари малакасини ошириш мақсадида уларнинг тегишли етакчи хорижий таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишига зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан 2018 йилнинг 1 январига қадар Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

«Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан «Дамас» русумли автомашина билан таъминлаш;

«Қорақалпоқкино» агентлиги ва вилоятлар ҳудудий бўлимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланadиган 4 тадан қўшимча штат бирлиги ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг марказий аппарати, «Қорақалпоқки-

но» агентлиги ва ҳудудий бўлимларини сақлаш, шунингдек, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмасини сақлаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

миллий кино маҳсулотларини яратишнинг белгиланган йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппаратида 3 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспортини сақлаш учун лимит ажратсин;

«Республика кинофонди» давлат унитар корхонасининг фаолиятини, 2020 йил 1 январдан бошлаб ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш шarti билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги параметрлари доирасида «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан «Дамас» русумли автомашина билан таъминлаш учун зарур маблағларни «Ўзбеккино» Миллий агентлигига ажратсин.

11. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги:

Адлия вазирлиги билан биргаликда давлат унитар корхоналари шаклида ташкил этиладиган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар тўғрисидаги низомни уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг ғоявий-бадий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш мақсадида соҳа намоёндалари, тажрибали етук мутахассислардан иборат Бадий кенгаш таркибини шакллантириб, унинг Низомини ишлаб чиқсин ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда икки ой муддатда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ва Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин;

13. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 7 августа,
ПҚ-3176-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 августдаги
ПҚ-3176-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Миллий кинематографияни янада ривожлантириш
чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича
Республика комиссияси
ТАРКИБИ**

- | | |
|--------------|--|
| А. Арипов | — Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Республика комиссияси раиси |
| Х. Султонов | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Республика комиссияси раиси ўринбосари |
| О. Мусаев | — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Бош директори, Республика комиссияси котиби |
| М. Муратов | — маданият вазири |
| А. Камиллов | — ташқи ишлар вазири |
| Г. Саидова | — иқтисодиёт вазири |
| Б. Ходжаев | — молия вазири |
| М. Икромов | — адлия вазири |
| Э. Ғаниев | — ташқи савдо вазири |
| И. Мажидов | — олий ва ўрта-махсус таълим вазири |
| Қ. Қуронбоев | — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси |
| Р. Усмонов | — Тошкент шаҳар ҳокими |
| Б. Закиров | — «Давархитектқурилиш» давлат қўмитаси раиси |
| Р. Гулямов | — Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси |
| А. Икромов | — Савдо-саноат палатаси раиси |
| А. Қодиров | — Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари |
| М. Аҳмедов | — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси |

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари.

Изоҳ:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига кўрсатилган лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёки тегишли функцияларни бажариш зиммасига юкланган шахслар киритилади.

**Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбалари	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
I. Норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш					
1.	Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш.	Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармасининг низомини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	-	2017 йил октябрь	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), вазирлик ва идоралар
2.	Аҳолига киновидео хизматини кўрсатиш тизимини тартибга солиш.	Кинофильмларни намойишини тартибга солиш ва юртимиздаги кинотеатрларда аҳолига сифатли киновидео хизматини кўрсатиш мақсадида «Аҳолига киновидео хизматини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	-	2018 йил март	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов), вазирлик ва идоралар
3.	«Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш.	«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари тўғрисидаги намунавий низомларни, бўлимлар фаолиятини ривожлантириш бўйича махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	-	2017 йил декабрь	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар
4.	Кинофильмларни ишлаб чиқаришни молиялаштиришни халқаро тажриба асосида, замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда янги тизимини жорий қилиш.	Давлат буюртмасига асосан ишлаб чиқарилаётган бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликацион фильмларнинг харажатлар сметасини замонавий халқаро талабларга мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	-	2018 йил март	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), вазирлик ва идоралар
5.	Кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш.	Кинематография соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган киноижодкорларни ижтимоий томондан қўллаб-қувватлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Давлат бюджети, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошидаги Жамғарма маблағлари, ҳомийлик хайриялари	2018 йил июль	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), вазирлик ва идоралар

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбалари	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
6.	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий мақомини кўриб чиқиш.	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги тасарруфидаги корхона ва ташкилотлар, жумладан «Ўзбекфильм» акциядорлик жамияти, «Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси» масъулияти чекланган жамият, «Алишер Навоий номидаги киносаройи» давлат унитар корхонаси, «Республика киночилар уйи» давлат унитар корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий мақомини кўриб чиқиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритиш.	-	2017 йил октябрь	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р. Гулямов), Адлия вазирлиги (М. Икромов), вазирлик ва идоралар
II. Кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча қулайликлар яратиш					
7.	Кинематография соҳасида лицензиялаш тартибини оптималлаштириш ва кинофильмларни оммавий намойиш қилишга рухсат бериш тартибини жорий қилиш.	Соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарорига талаблари доирасидаги лицензиялаш фаолиятини оптималлаштириб, хусусий киностудиялар ишлаб чиқарган, намойиш учун хориждан олиб келинган бадий, ҳужжатли, мультипликацион фильмларни оммавий намойиш қилишга рухсат бериш тартибини жорий қилиш бўйича таклиф киритиш. Лицензияларни айнан кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шугулланадиган юридик шахсларга берилиши юзасидан аниқ меъёрларни белгилаш.	-	2018 йил январь	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А.Мусаев), Савдо-саноат палатаси (А.Икромов), Адлия вазирлиги (М.Икромов), вазирлик ва идоралар
III. Кинематография соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини ташкил қилиш ва ижодкорларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш					
8.	«Ўзбекфильм» киностудияси, «Қорақалпоқфильм» киностудияси қошида ижодий устахоналар ташкил этиш.	«Ўзбекфильм» киностудияси, «Қорақалпоқфильм» киностудияси қошида таниқли кинорежиссёрлар, кинооператорлар, сценарист ва актёрларнинг ижодий устахоналарини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш.	-	2018 йил сентябрь	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Маданият вазирлиги (М. Муратов), вазирлик ва идоралар
9.	Кинематография соҳасига кадрлар тайёрлаш ҳамда кино ижодкорлари, техник ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги қошида магистратурага тенглаштирилган 2 йиллик малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш ҳамда уларга хорижлик	Давлат бюджети маблағлари	2018 йил октябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Мажидов), «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Молия вазирлиги

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбалари	Бажариш мўддати	Ижро учун масъуллар
IV. Кинематография объектларининг моддий-техника базасини янада мустақкамлаш, ишлаб чиқарилаётган миллий кинофильмларнинг савиясини ошириш, тарғиботини кучайтириш					
10.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги қошидаги Бадий кенгаш фаолиятини такомиллаштириш.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият юритиб келаётган Бадий кенгашни доимий фаолият кўрсатувчи ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошидаги Кинематографияни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган Кенгаш сифатида ташкил қилиш.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги қошидаги Жамғарма маблағлари	2017 йил октябрь	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), вазирлик ва идоралар
11.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги тизимидаги кинематография объектлари бино ва иншоотларини, суратга олиш павильонларини замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш. Жумладан: 1) «Ўзбекфильм» киностудияси, Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясини; 2) «Қорақалпоқфильм» киностудиясини; 3) Алишер Навоий номидаги кино саройини.	2018 — 2021 йиллар мобайнида «Ўзбекино» Миллий агентлиги тизимини такомиллаштириш, кинематография объектларининг бино ва иншоотларини ҳамда суратга олиш павильонларини замонавий талаблар асосида реконструкция қилиш, «Ўзбекфильм» киностудияси худудини кенгайтириш орқали ташқи павильонлар ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	1) Давлат бюджети маблағлари (Инвестиция дастури доирасида), 2) Маҳаллий бюджет маблағлари, 3) Тижорат банклари кредитлари	2017 йил ноябрь	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), «Давархитектқурилиш» кўмитаси (Б. Зокиров), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Г. Саидова), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (Р. Гулямов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, вазирлик ва идоралар
12.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги тизимидаги кинематография объектларини модернизация қилиш, энг замонавий рақамли кинотехнологиялар ва кино ишлаб чиқариш жиҳозлари билан таъминлаш.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги тизимидаги кинематография объектларининг моддий-техник базасини мустақкамлаш, кино ишлаб чиқариш ва уни сақлаш билан боғлиқ энг замонавий технологиялар, соҳа ривожини билан боғлиқ бошқа инновацион технологияларни 2018 — 2021 йилларда боسقичма-боسقич амалиётга жорий қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	Давлат бюджети, «Ўзбекино» Миллий агентлигининг қошидаги Жамғарма маблағлари, грант маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар	2018 йил март	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Г. Саидова), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Ташқи савдо вазирлиги (Э. Ганиев), Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси (Р. Гулямов), вазирлик ва идоралар

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбалари	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
13.	Болалар, ўсмирлар ва ёшлар учун кинофильмларни кўпайтириш, ўзбек халқ эртаклари асосида бадий ва мультипликацион фильмлар яратиш чораларини кўриш.	Болалар ва ўсмирлар ҳаёти, уларнинг дунёқараши, орзу-умидлари, муаммолари каби мавзуларда ўзбек халқ эртакларига мурожаат қилган ҳолда бадий ва мультипликацион фильмлар яратиш ҳамда ушбу фильмларни республикамиз кинотеатрларида арзонлаштирилган нархларда намойиш этиш тизимини жорий қилиш.	«Ўзбекино» Миллий агентлигига фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида	2018 йил март ойидан бошлаб мунтазам равишда	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Республика маънавият ва маърифат маркази (лавозимга кўра), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (М. Аҳмедов), вазирлик ва идоралар
14.	«Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси»да мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, янгилик ва бунёдкорлик ишлари ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон тарихидаги буюк шахслар, олимлар, саркардалар, адабиёт ва санъат намояндалари ҳақида мунтазам равишда фильмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.	Мазкур лойиҳаларнинг бадий-ғоявий концепциясини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилиш, бу жараёнга тажрибали мутахассислар, олимлар, тарихшунослар, ёзувчиларни жалб қилиш. Юртимизда замонавий тус олаётган шаҳарлар, кўча ва уйлар, халқимиз кайфияти, ёшларимизнинг муваффақияти каби турли залворли мавзулар асосида сценарийлар тайёрлаб, ҳужжатли ва бадий фильмларни мунтазам равишда ишлаб чиқариш, шунингдек, мамлакатимиз тарихи саҳифаларида беқиёс ном қолдирган буюк шахслар ҳақида туркум фильмларни яратиш.	Давлат бюджети маблағлари	2018 йил март ойидан бошлаб мунтазам равишда	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (М. Аҳмедов), Республика маънавият ва маърифат маркази (лавозимга кўра), Фанлар академияси (Б. Юлдашев), вазирлик ва идоралар
15.	Киноижодкорларнинг ва киноарбобларнинг ижодий фаолиятини самарали ташкил этиш, уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратиш.	«Ўзбекино» Миллий агентлиги тизимидаги «Дўрмон» киноижодкорлар дам олиш масканини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш, уни моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича Хукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Давлат бюджети маблағлари	2018 йил март	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Иқтисодиёт вазирлиги (Г. Саидова), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Б. Зокиров), вазирлик ва идоралар
V. Миллий кинофильмларни халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш ва кинематография соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш					
16.	Миллий кинофильмларимизни хорижда кенг тарғиб қилиш ва халқаро кинофестивалларда иштирокни таъминлаш.	Мунтазам равишда Ўзбек киноси кунлари тадбирларини чет давлатларида ўтказиб боришни йўлга қўйиш, кинематография соҳасида нуфузли ҳисобланган Канн, Берлин, Оскар каби кинофестивалларда миллий фильмларимиз ва кино иждоқорлар иштирокни йўлга қўйиш.	Давлат бюджети маблағлари, «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошидаги Жамғарма маблағлари, ҳомийлик хайриялари	Мунтазам равишда	«Ўзбекино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов), вазирлик ва идоралар

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Тақдим этиладиган ҳужжат шакли, амалга ошириш механизми	Молиялаш-тириш манбалари	Бажариш муддати	Ижро учун масъуллар
17.	«PROlogue» — ёш кино ижодкорлари томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар Халқаро фестивалини ташкил қилиш ва ўтказиш.	2015 йилдан буён республика миқёсида ўтказилиб келинаётган «PROlogue» — ёш кино ижодкорлари томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар фестивалини халқаро миқёсида ўтказиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш.	Давлат бюджети маблағлари, ҳомийлик хайриялари	2018 йил июль	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Молия вазирлиги (Б. Ходжаев), Маданият вазирлиги (М. Муратов), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов),
18.	Хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва кино ижодкорлари билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш, кинематография санъати ривожланган мамлакатлар ижодкорлари билан ҳамкорликда қўшма фильмлар (coproduction) ишлаб чиқариш.	Дунёга танилган, тажрибали хорижий кино усталари билан ўзаро алоқаларни кенг йўлга қўйиш орқали жаҳон кинобозорига чиқиш, ривожланган ва замонавий хориж тажрибасини миллийлик асосида мамлакатимизда кино ишлаб чиқаришда қўллаш.	Давлат бюджети маблағлари, ҳомийлик хайриялари	2018 йилдан бошлаб мунтазам равишда	«Ўзбеккино» Миллий агентлиги (А. Мусаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Комилов),

Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига қараб қайта кўриб чиқилиши ёки бир ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 августдаги
ПҚ-3176-сон қарорига
3-ИЛОВА

834-модда

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони — 22 нафар
(ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва техник ходимлар сони тегишли нормативлар асосида белгиланади).

— 24 —

33 (793)-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 августдаги
ПҚ-3176-сон қарорига
4-ИЛОВА

**«Қорақалпоқкино» агентлигининг
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 4 нафар.
(хизмат кўрсатиш ва техник ходимлар сони тегишли нормативлар асосида белгиланади).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 августдаги
ПҚ-3176-сон қарорига
5-ИЛОВА


**«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг
вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони — 3 нафар.
(хизмат кўрсатиш ва техник ходимлар сони тегишли нормативлар асосида белгиланади).

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 августдаги
ПҚ-3176-сон қарорига
6-ИЛОВА


**«Республика кинофонди» давлат унитар корхонасининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 17 нафар,
шу жумладан бошқарув ходимлари сони — 6 нафар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 7 августдаги
ПҚ-3176-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси
ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони — 5 нафар.